



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2004 йил 25 ноябрь, № 244 (3519)

Пайшанба



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 ноябрь кунин Россиянинг "Лукойл" нефть компанияси очик акционерлик жамияти билан "Лукойл" нефть компанияси ОАЖ ҳамда "Ўзбекнефтгаз" миллий

холдинг компанияси таркибидики сармоядорлар консорциуми ўртасида махсус тақсимоти тўғрисида битим имзоланган эди. Шу кунларда мазкур битим кучга кириб, ўзаро ҳамкорликнинг амалий жараёни бошланди.

Битим Ўзбекистон нефть-газ тармоғига "Лукойл" томонидан бир миллиард АҚШ доллари миқдоридики сармоя кири-

тилишини кўзда тутуди. Келишувга биноан, биргаликда нефть конлари разведка қилинади ва ўзлаштирилади. "Лукойл" техника воситалари таъминоти билан ҳам шуғулланади. Маълумотларга кўра, бунинг натижасида мингдан зиёд янги иш ўрни очилади.

В.Алекперов самимий қабул ва билдирилган юксак ишонч учун Президент Ислам Каримовга миннатдорлик билдирди. Ўзаро ишонч ва манфаатдорлик ҳамкорлики янада кенгайтириш учун муҳим омил эканлигини таъкидлади.

Мулоқот чоғида ҳамкорликда амалга ошири- лажақ янги лойиҳалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

(Ў.А.)
СУРАТЛАРДА:
қабул пайти.
Абдувоҳид Тўраев
олган суратлар.

26 декабрь Халқ. Демократия. Сайловлар

ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғоғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга бўлажақ сайловларга пухта тараддуд кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 116-округ бўйича Эллакармаева ҳамда Беруний туманларида яшовчи 117 мингга яқин сайловчи овоз беради.

— Айни кунларда округ миқдори 54 сайлов участкасида сайловчиларни рўйхатга олиш

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакилилик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қафолатланади.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасидан.)

Хабарлар окимидан

Қишлоқ аҳолиси учун бир миллион евро

Наманган вилоятида Европа Иттифоқининг Техник ҳамкорлик комиссияси (ТАСИС) дастури доирасидаги Фаргона водийсида аҳоли турмуш даражасини ошириш лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланди.

Вилоятда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш учун ТАСИС томонидан бир миллион евро, БМТдан эса юз минг евро ажратилган бўлди. Бу маблағлар қишлоқ ҳудудларида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, кўп тармоқли кичик ва кўшма корхона ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратиш ва бошқа муаммоларни ҳал этишга йўналтирилади.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ.

Иш ўринлари ярмаркаси

Самарқанд шаҳар Меҳнат аҳоли иш билан таъминлаш ва ижтимоий химоя қилиш бўлими томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Тадбирда 68 та корхона ва ташкилот ўзларида мавжуд бўлган 652 та бўш ва квота иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмаркага 380 нафар ишсиз фуқаро мурожаат қилди.

Шу куннинг ўзидики 85 нафар кишига ўз касби бўйича ишга жойлаштириш йўлнамалари берилди. 25 нафар касб-хўна урган иштирокчиларга эса "Усто" бирлашмаси, шаҳар маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси ва "Регистон" бизнес-инкубаторига хўна урганиш учун юборилди.

Ў.А. мухбиримиз.

Таълим-тарбия тизимини замон талаби даражасида такомиллаштириш, халқаро андозалар даражасига етказиш шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидандир. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида бўлиб ўтган мажлисда бу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Унда олий ўқув юртлиари ректорлари, касб-хўна коллежлари директорлари, соҳа мутахассислари иштирок этди. Мамлакатимизда ўрта махсус таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган таъкидланди. Касб-хўна коллежлари қуриш, капитал реконструкциялаш, замонавий техника ва ўқув қуроллари билан жиҳозлаш жадвал давом этмоқда. Бундай билим даргоҳларида таълим сифатини яхшилаш, устоз-мураббийларнинг малакасини янада ошириш ҳам доимий эътиборда.

Аммо, ўқитиш жараёни қониксарсиз, таълим савияси, ўқитувчилар малакаси пастиглига қолаётган коллежлар ҳам йўқ эмас. Бундай таълим муассасаларининг айримлари ҳамон спорт анжомлари ва

етук мутахассис кадрлар билан тўла таъминланмагани боис ёшлар спорт билан мунтазам шуғуллана олмайпти. Сўзга чиққанлар "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлаш борасида Қорақалпоғистонда олиб борилаётган ишларга баҳо бериш, йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғоғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов иштирок этди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
Ў.А. мухбири.

Умуммамлакат оммавий марафони дастлабки манзилларни босиб ўтди

24 ноябрь тонги нуқсусликларнинг хотирасида ўзига хос байрам, миллий гурур ифодаси, спортга бўлган эҳтиром сифатида сақланиб қолди. Шу кунин Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтининг бош майдонига мамлакатимиз Президентини таъбиқлаш билан ташкиллаштирилган умуммамлакат оммавий марафонининг биринчи йўналиши иштирокчилари тўпланди. Улар орасида умрини эл-юрт фаровонлигига бағишлаган қариялардан тортиб бошланди синф ўқувчиларигача бор эди.

Умуммамлакат марафонига Қорақалпоғистондан ўн икки нафар турли ёшдаги спортчи саралаб олинди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Х.Абдурахмоновнинг оқ йўл тилаб айтган сўзларидан сўнг, марафоннинг биринчи йўналишига старт берилди. 12 марафончи билан бирга юзлаб ёшлар, катта ёшдаги фуқаролар ўз имко-

ниятларини синаб кўришмоқдалар. Марафон иштирокчилари Нукус шаҳри, Чиллик қўрғони, Амударё тумани, Беруний шаҳридан ўтиб, кечга яқин Урганчага етиб келдилар.

— Югуриш бўйича ўтказилган мамлакат биринчиликларида кўп марта иштирок этганман, — дейди марафон иштирокчиси, Қорақалпоғистон давлат санъат музейи муҳандиси Собит ога Қўноқбоев. — Ешим 63 да. Лекин ўзимни тетик, бардам сезаман. Бунинг сабаби фақат спортда деб биламан. Ёшларга насихатим — спорт билан мунтазам шуғуллангин. Шунда хисмонан ва маънан соғлом бўласиз.

Мамлакатимизнинг шимолдаги чекка манзилдан старт олган умуммамлакат оммавий марафони Ўзбекистоннинг пойтахти — Тошкент томон интилкимоқда.

Янгибўй Қўчқоров,
"Халқ сўзи" мухбири.

«Халқ сўзи» назоратида

Тадбирлар белгиланди

Газетамизнинг шу йил 24 сентябрь сонидики "Аросатдаги маҳалла" сарлавҳали мақола эълон қилинган бўлиб, унда Наманган шаҳридаги уй-жой бинолари, иншоотлар жадал қурилатган "Мустиқилликнинг беш йиллиги" маҳалласига қўшни бўлган "Бўстон-Чаманзор" маҳалласидаги ноҳус ҳолатлар ҳақида фикр юритилган эди. Мазкур мақола юзасидан Наманган

вилояти ҳокимининг ўринбосари А.ФОЗИЛОВ имзоси билан таҳририятимизга келган расмий жавобда таъкидланишича, "Бўстон-Чаманзор" маҳалласи таркибидики "Бўстон", "Гастон" турар жой маззеларининг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан вилоят ҳокимлиги томонидан аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Наманган ша-

ҳар ва Наманган тумани ҳокимликларига тадбирлар режасидаги барча вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш юклатилган. Тадбирнинг бажарилишига вилоятдаги масалага алоқадор барча корхона ва ташкилотлар жалб этилган.

Вилоят ҳокимлиги томонидан мазкур ишларнинг тўла бажарилиши назоратга олинди.

Иномжон УЛУҒБОЕВ,
"Туркистон-пресс".

САМАРҚАНД

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда Самарқанд вилоятидан бир ярм миллиондан зиёдрок фуқаро иштирок этди. Уларнинг салмоқли қисми ёшлардир. Ийгиликлар орасида бу улкан сиёсий тадбирда илк бор иштирок этадиганлари анчагина.

ХОРАЗМ

Жорий йил охирида нафақат Шовот туманидаги 12 қишлоқ, балки қўшни Қўшқўпир туманининг яна 8 қишлоғи аҳолиси мамлакат парламентида ўз вакиллари сайлаш лозим. Гап шундаки, бу аҳоли пунктларининг ҳаммаси бир сайлов округи ҳудудида жойлашган.

ТАШКЕНТ

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда Самарқанд вилоятидан бир ярм миллиондан зиёдрок фуқаро иштирок этди. Уларнинг салмоқли қисми ёшлардир. Ийгиликлар орасида бу улкан сиёсий тадбирда илк бор иштирок этадиганлари анчагина.

ТАШКЕНТ

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда Самарқанд вилоятидан бир ярм миллиондан зиёдрок фуқаро иштирок этди. Уларнинг салмоқли қисми ёшлардир. Ийгиликлар орасида бу улкан сиёсий тадбирда илк бор иштирок этадиганлари анчагина.

ТАШКЕНТ

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда Самарқанд вилоятидан бир ярм миллиондан зиёдрок фуқаро иштирок этди. Уларнинг салмоқли қисми ёшлардир. Ийгиликлар орасида бу улкан сиёсий тадбирда илк бор иштирок этадиганлари анчагина.

ТАШКЕНТ

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда Самарқанд вилоятидан бир ярм миллиондан зиёдрок фуқаро иштирок этди. Уларнинг салмоқли қисми ёшлардир. Ийгиликлар орасида бу улкан сиёсий тадбирда илк бор иштирок этадиганлари анчагина.

Замондан орқада қолмай десангиз «Халқ сўзи»га обуна бўлинг



тобланиб, эл назарига тушган оддий деҳқонни осмон қадар улуглаган наирни севмай бўладими?!

Айниқса, газетада қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларга оид, фермерлик ҳўжалигини истиқболлари, ютуқ ва муаммолари, чўл ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига бағишланган мақолаларни қизиқиб мўтолаа қиламан. Қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ қонунларнинг лойиҳалари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар фақат «Халқ сўзи»да биринчи бўлиб босилишини ҳар бир деҳқон, фермер яхши билади.

Замондан орқада қолмай десан одам парламент наирни — «Халқ сўзи»га обуна бўлиши керак.


Мен «Халқ сўзи» газетасининг ик сонидан то ҳозирги сонларигача қолдирмай тахлаб бораман. Ҳар ишли биринчилардан бўлиб обуна бўлсам.

Газета менга оиламдай, энг яқин сирдошимдай қадрдон бўлиб қолган. Ўзбек деҳқонлари орасида биринчи бўлиб «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвонга сазовор бўлганлигим билан шу газета мубороқабд этганлигини унутмайман. Қишлоқда туғилиб, чўлда, Марказий Фарғонанинг асов табиатида

Комилжон МАМАЖОНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошқоқ туманидаги Марозиқов номи ширқат ҳўжалиги бригада бошлиғи.

Олий Мажлисининг XVI сессияси олдидан

Парламентимиз ўтган беш йил мобайнида жамиятни эркинлаштириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш учун ҳуқуқий замин яратувчи бир қатор қонунлар ишлаб чиқди. Баъзи қонунларимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Табиийки, буларнинг замирида ҳаётимизни фаровонлаштириш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий жараёни янада барқарорлаштириш истаги мужассам. Бу борада муҳбиримизга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитасида амалга оширилган ишлар ҳақида қўмита раиси Ахтам Турсунов ахборот берди.



алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган давр мобайнида қўмитага жами 170 та ёзма мурожаат келиб тушди. Ушбу мурожаатлардан 48 таси ижобий ҳал этилди.

Ўтган давр мобайнида қўмитамиз томонидан 180га яқин конференция, семинар, қонунлар тарғиботи, давра суҳбати ҳамда бошқа тадбирлар ташкил этилди. Уларда Президентимизнинг парламент сессияларидаги маърузалари, республикамизнинг тинч ва осуда ҳаётига ҳавф солаётган терроризм, диний экстремизм, наркобизнес иллатларини бартараф этиш ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳуқуқимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар, икки палатали парламентни шакллантириш масалалари юзасидан маърузалар қилинди.

Бир сўз билан айтганда, қўмитамиз қўнунчилик фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Қуролини Кучларини ислоҳ қилиш, мамлакатимиз ҳавфсизлиги ва барқарорлигини, ҳудудий яхлитлигини, унинг чегаралари дахисизлигини, фуқаролар тинчлигини-осойишталигини таъминлашга қаратди.

Лекин ўрни келганда айтиб ўтишимиз лозимки, камчиликлар ҳам бўлди. Масалан, ҳарбий хизматда доир талай янгиликларни жойларга чиқиб одамларга тушунтириш учун кўпроқ вақт ажратолмаётганми. Қўнунларимизни батафсил тушунтириш ишлари ҳам кўнунчиликдаги бўлгани йўқ. Бироқ, ўтган давр мобайнида олдимизга қўйган мақсадларимизга бирмунча яқинлашдик, десак бизни ҳеч ким ноқамтарликда айбламас.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, қўмита аъзолари, ишчи гуруҳларнинг жойларда бўлиб, мавжуд аҳвол билан танишиши, муаммо ва камчиликларни ўрганиши, ўз ўрнида уларни бартараф этиш

— Қўмитамиз шу давр мобайнида Олий Мажлисининг 2000-2004 йилларга мўлжалланган қўнунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг устуворликлари тўғрисидаги қарорига асосланиб иш олиб борди. Қўнунчилик фаолиятида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, аҳолига табиий хизмат кўрсатишни яхшилаш, шунингдек, табиий соҳасидаги муносабатларнинг қўнун жиҳатидан мустаҳкамлашнинг таъминлаш бўйича қўмитамиз олиб борган ишлар ҳам салмоқли бўлди. Жумладан, шу давр оралиғида "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги, "Аҳолини сил касаллигиндан муҳофазат қилиш тўғрисида"ги, "Қон ва унинг таркибий қисмлари тўғрисида"ги ҳамда "Қизил Ярим Ой ва Қизил Чоқ тимсолларидан фойдаланиш ҳақида уларни химоя қилиш тўғрисида"ги қўнунлар қабул қилинди.

Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш механизмининг такомиллаштириш мақсадида "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қўнунга қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Булардан ташқари, парламентимиз томонидан қабул қилинган яна кўплаб қўнунлар иҳод-қўнунчиликда ҳам қўмита ҳиссаси сезилиб турди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, қўмита аъзолари, ишчи гуруҳларнинг жойларда бўлиб, мавжуд аҳвол билан танишиши, муаммо ва камчиликларни ўрганиши, ўз ўрнида уларни бартараф этиш

мос нав танланган виллоятларда шартнома режаси бирмунча эрта удаланиб, соҳадан мўмай даромад олишга муваффақ бўлинди. Масалан, мамлакатимизда биринчи бўлиб кетма-кет топшириқни бажарган Қашқадарё ва Бухоро виллоятларини олиб кўрайлик. Асосий майдонларга серхосил, толаси жаҳон бозоридан харидоринг бўлган "Бухоро-6", "Наманган-

риш масаласида ҳам бир қанча ижобий ишлар қилинди. Асосан серхосил, эртагишар, касаллик ва зараркундаларга чидамли, толаси жаҳон бозоридан талабларига жавоб берадиган гўза навлари жойлаштирилди.

Халқимизнинг "Сара уруғ — ҳосил бўлиқ", "Уруғ — ҳосилнинг онаси" ва бошқа кўплаб мақоллари беҳиз айтилмаган. Уруғчилик соҳасига катта

Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси бошланишига ҳам саноқли кўнунлар қолди. Табиийки, шу кўнунларда парламентнинг қўмита ва комиссиялари иш янада қизгин тус олган. Депутатлар қўнун ижодкорлигида эришилган натижаларни умумлаштириб, яқуний ҳулосалар қилмоқдалар. Албатта, асосий мақсад — жамият ривожини, мамлакат тараққиётида қўнун устуворлигини таъминлашдан иборатдир.

Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг раиси Машқура Сафарова қўмитанинг шу давр мобайнидаги фаолияти хусусида қуйидагиларни гапириб берди.

Асосий мезон — ижтимоий ҳимоя

борасидаги чора-тадбирлар қўнунлиги натижадан бермоқда. Мисол учун, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қўнуннинг Хоразм вилоятидаги ижроси ўрганилганда, бир қанча камчиликлар кўзга ташланди. Қўмита қарорига қўра, виллоятдаги ҳомилдор аёлларнинг 90 фоизи табиий қўриқдан ўтказилди. Натижада 22 та нуқсонли ҳолат бартараф этилди. Шунингдек, доимий ҳисобда турган 261 нафар ногирон протез ва ортопедия мосламалари билан таъминланди. 16 та ногиронлик аравачаси, 14 та ашитиш аппарати, 62 та кўлтиқтаёқ, 220 та ҳасса ва дори-дармон ногирон ва пенсионерларга бепул берилди.

"Меҳнатни муҳофазат қилиш тўғрисида"ги Қўнуннинг Тошкент вилоятидаги ижроси ўрганилганда, талай нуқсонлар борлиги аниқланди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида айбдорлар тегишли тартибда жазоланди. Жумладан, 2054 нафар мансабдор шахс меҳнат қўнунчилиги ва муҳофазасига доир қоида ва меъёрларни бузганлиги учун жавобгарликка тортилди. 47 мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимдан озод этилиб, 238 нафарига эса интизомий жазо чоралари қўрилди. Шу билан бирга фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига ҳавф

туғдирадиган 494 та дастгоҳ, 87 та устахона, 5 та корхона мавжуд камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйилди.

Парламент қабул қилаётган ҳар бир қўнунда халқ манфаати, ижтимоий ҳимоя акс этиб туриши лозим. Бу эса қўмитамиз аъзоларини янада изчиллик билан ишлашларини тақозо этади. Хусусан, қўнунчилик ва назорат-таҳлил, тарғибот, ташвиқот ҳамда методик ишлар, ўзаро алоқалар юритиш борасида мунтазам равишда тадбирлар ўтказиб борилади. Қўмитамиз томонидан ташкил этилган "Ижтимоий ҳаёт, тараққиёт ва қўнун" мавзусидаги баҳс-мунозараларга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, Соғлиқни сақлаш вазириликлари, турли жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилди. Давра суҳбати чоғида қўнунчиликни такомиллаштиришдаги ютуқ ва муаммолар, албатта, муаммоларга қизил мунозаралар бўлди. Ана шундай илмий-амалий семинар ва учрашувлар "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва Тошкент вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Оҳангарон ва Тошкент туманларида ҳам ўтказилди. Хуллас, ўтган давр мобайнида қўмита томонидан ушбу вазифаларга қаратилган эзликка яқин

тадбир уюштирилди. Айтиш жоизки, қўмитамиз фаолиятининг яна муҳим йўналишларидан бири бу — фуқароларни қабул қилиш, уларнинг аризаларини қўриб чиқиш, мавжуд муаммолар ечимини топишда имкон қадар ёрдам беришдан иборатдир. Қўмитамиз томонидан 2000-2004 йиллар давомида 100 га яқин оғзаки мурожаат, 4015 та хат, ариза ва шикоят қўриб чиқилди. Уларнинг аксарияти назоратга олиниб, вазирилик, ҳокимлик ва тегишли идораларга юборилди. Пировардида уларнинг ижобий ҳал қилинишига эришилди.

Албатта, амалга оширилган ишлар билан бир қаторда фаолиятимизда ўзимизнинг кўнунчилигимиз тўлмай қолган жиҳатлар ҳам бор. Жумладан, қўнун ижодкорлиги жараёнида айрим депутатларимиз фаолиятининг сустилик, қўнун тартибидидаги масалаларга муносабат билдиришда теъорикликнинг етишмаслиги каби ҳолатларни ҳам айтиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

Ҳозир қўмитамиз томонидан "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қўнун лойиҳаси мукамаллаштирилиб, парламентимизнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилди.

"Халқ сўзи" мухбири Саидолим ҲАЙДРОВ ёзиб олди.

Тинчлик, осойишталик, ҳавфсизлик

барқарор юртда тараққиёт бўлади

— Ўтган давр мобайнида қўмитамиз "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида" (2000 йил, 16 май), "Терроризмга қарши кураш тўғрисида" (2000 йил, 15 декабрь), янги таҳрирдagi "Мудофаа тўғрисида" (2001 йил, 11 май), "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" (2002 йил, 12 декабрь) ва "Ўзбекистон Республикасининг Қуролини Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида" (2003 йил, 15 апрель) қўнунлари устида ишлади ва уларни парламент томонидан қабул қилинишига эришди. Шунингдек, қўмитамиз томонидан Ўзбекистон Республикаси "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги, "Махсус юрлар ва ҳарбий таркибининг транзити тўғрисида", "Терроризмга қарши кураш тўғрисида", Ўзбекистон Республикасининг "Давлат чегараси тўғрисида"ги қўнунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасидаги лойиҳалар ҳам тайёрланди.

Террорчилик таҳдидига қарши курашни кучайтириш лозим бўлган бир шартда турли мамлакатларда бўлган қўнунларга оид қўнун ҳужжатларини такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган савий-ҳаракатлар доирасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қўнунини шартнома асосида ташкил қилиш, қақрувининг очик, ошқоралигини таъминлаш мақсадида "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қўнун

булаётган давлатларда унга қарши кураш амалиётига бағишланган материалларнинг таҳлилига, унингдан, бу жиноятга чек қўйиш учун муқобил ҳаракатларни ташкил этишда етарлича тажриба тўплаган давлатларда терроризмга қарши курашни қўнун йўли билан мустаҳкамлашнинг умумлашма тажрибасига асосланилди. Айни чоғда унга халқаро конвенциялар, шартномалар ва битимларнинг терроризмга қарши курашга оид қоидалари ҳам сингдирилди.

"Мудофаа тўғрисида"ги Қўнуннинг янги таҳририда назарий қоидалар ва концептуал ёндашувлар, шунингдек, Конституцияда қайд этилган нормалар янада ривожлантирилди. Миллий манфаатларнинг таъминлашига, минтақадаги ва жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазиятга, замонавий урушлар, ҳарбий муожараларнинг хусусиятига, юртимизда тинчлик ва осойишталикни самарали, ишончли химоя қилишга қодир, ихчам Қуролини Кучларни шакллантириш зарурлигига асосланилди.

Бу борадаги олиб борилаётган ишларимизнинг навбатдаги босқичида ҳарбий хизматга тайёрлаш ва Қуролини Кучларда хизмат қилиш тизимини тўдан яхшилаш, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, армияни шартнома асосида ташкил қилиш, қақрувининг очик, ошқоралигини таъминлаш мақсадида "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қўнун

қабул қилинди. Мазкур Қўнунга биноан мунддатли ҳарбий хизмат оддий аскарлар таркибида ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун ўн икки ой (оллий маълумотли ёшлар учун тўққиз ой), мунддатли ҳарбий хизматни қақруви бўйича офицерлар таркиби лавозимларида ўтаётган захирадаги офицерлар учун тўққиз ой этиб белгиланди.

Шунингдек, Қўнунда биринчи марта сафарбарлик қақруви резервидаги хизмат тури билан боғлиқ ҳолатлар ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди. "Ўзбекистон Республикаси Қуролини Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги Қўнун мамлакатимизда олиб борилаётган ҳарбий ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасидаги савий-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлди.

Назорат-таҳлил ишлари режасига мувофиқ ўтган даврда қўмитада қўнунлар, конвенциялар, миллий дастурлар ижроси устидан назорат тартибида 60 га яқин масала қўриб чиқилди. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, мамлакатнинг барча виллоятлари ҳамда Тошкент шаҳри қамраб олинди. Шундан иккита Халқаро конвенцияга риоя этилиши Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси билан қўша йиғилишда қўриб чиқилди.

Шаҳсининг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилиш қўмитамизнинг доимий эътиборида. Бунда фуқароларнинг муожаатлари билан ишлашга

"Халқ сўзи" мухбири Мақсуд ЖОНИХОНОВ ёзиб олди.

Тадбиркор зиммасидаги мажбурият у қай даражада бажарилмоқда?

Бугунги кунда мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул муомаласи билан боғлиқ мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки банкларда нақд пул бўлса, пенсионерлар пенсия пулини, талаблар стипендияларини, ишчилар эса иш ҳақларини ўз вақтида оладилар. Шу боис виллоятимиз солиқ ҳодимлари айнан шу масала бўйича жойларда мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Тадбиркорлар билан

қирим қилинмаганлиги кузатилди. Пировардида товарларни улгурчи сотиш қондасини бузган 66 ташкилотга 151 миллион 200 минг сўм молиявий жарима солинган бўлса, 681 нафар айбдор шахсга нисбатан маъмурий иш қўзғатилди, жами 90 миллион 600 минг сўм жарима ундирилди ва 43 та жиноий иш қўзғатилди.

Аслида пул маблағларининг банкдан ташқари айланганига, оқибатда одамларнинг маош ёки нафақаларини ўз вақтида ололмаётганига сабабчи бўлаётганлар қимлар? Мисолларга мурожаат қилайлик. Шовот туманидаги "Жалолидин" кичик корхонасида ўтказилган қиска мунддатли текшириш натижасида 16 миллион сўмдан зиёд нақд пул назорат-қасса машинасида ўтказилмагани, устига устак, банк қассасига топширилганлиги ошқор бўлди. Худди шу тумандаги "Матвапаев Муротжон" хусусий фирмасидаги қинғир ишлар эса бундан ҳам ўтиб тушди. Бу фирмада назорат-қасса машинаси ўрнатилмаган ҳолда савдо қилиниб, 310 миллион сўм банк қассасига топширилмасдан бошқа мақсадларга сарф қилинганини қандай изоҳлаш мумкин?

Мамлакатимизда тадбиркорларга, яъни юридик ва жисмоний шахсларга турли йўналишларда фаолият юритишлари учун барча шартнолар яратилиб, имтиёзлар ҳам берилмоқда. Бироқ улардан талаб битта: солиқ ва иқтисодиётга оид барча қўнун-қоидаларга тўла амал қилишлари шарт. Ана шундагина тадбиркорларимиз ўз зиммаларидаги мажбуриятларини бажарган ҳисобланади. Уларнинг топган даромадлари эса ҳалол ва баракали бўлиб, ўз оиласи, давлат ва эл манфаатлари йўлида хизмат қилади.

Н. ЧЎЛИЕВ, Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.

«Дўст билан обод уйинг»

Самарқанд шаҳридаги Пушкин номи виллоят кутубхонасида Эрон Ислам Республикасининг китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Унда Эрон халқининг бой маънавий меросига эга бўлган шеърлик, диний, фалсафий мавзудаги китоблари, тилшунослик, адабиётшунослик оид илмий тадқиқотлар, ўзбек тилига ўғирилган асарлар намойиш этилмоқда.

"Дўст билан обод уйинг" деб номланган мазкур китоблар кўргазмасининг очилиш маросимида Эрон элчихонаси вакили Алихони Алирзоз ушбу тадбирнинг мақсади Ўзбекистон ва Эрон Республикаси ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ўзбек халқининг маданияти ва тарихини ўрганишга қаратилганини таъкидлади.

А. САТТОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ҳосил тақдири навага боғлиқ

республикамизда уни танлаш, жойлаштириш борасидаги айрим муаммолар хусусида

77", "С-6530" навлари экилганлиги боис режадагидан ортиқ миқдорда ҳосил этиштирилди. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, кейинги пайтда Президентимизнинг бевосита мазкур соҳага эътибори тўғрисида мамлакатимизда пахта уруғчилиги соҳасида мўайин ишлар амалга оширилди. Аввало, ҳар гектар ерга экилаётган уруғ-май микдорини кескин қамийтиришга эришилди. Масалан, жорий йилда бу кўрсаткич қайта экишни ҳам қўшиб ҳисоблаганда ўртача 66,1 килограмми ташкил қилади. Бундан 4-5 йил илгари бу рақам 100 килограммдан ортиқ эди. Агар республика бўйича тежалган чигитнинг микдорини ҳисоблайдиган бўлсак, бу ҳар йили бир неча минг тонна ташкил этади.

Шунингдек, нав танлаш, уларни жойлашти-

этибор берилаётганлиги, бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида ҳуқуқимиз қарорига қўра, Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузурида юридик қомқома эга бўлган Ғўза уруғчилиги республика маркази, жойларда унинг бирашамала тузилганлиги ўз натижасини берапти. Шу боис виллоятларнинг турли иқлим шартини, тупроқ таркибига мос навлар танланиб экилди. Унувчанлиги 95 фоиздан ортиқ бўлган биринчи синфли уруғлик салмоғи 93,3 фоизга етказилди.

Ғўза навларини оқилона жойлаштириш пахтачилик соҳасидаги энг муҳим масала ҳисобланади. Айниқас, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 ноябрдаги "1999-2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида"ги қарори бу борада

Қарор ва ижро

дастур вазифасини ўтамоқда. Тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан биргаликда ҳар бир навнинг толасига жаҳон бозоридидаги талаб, харидорлар томонидан билдирилган баҳо ва эътирозлар асосида рейтинг ишлари олиб бориляпти. Афууски, ҳозирча мутахассис ва раҳбарлар

ялқаларини босқичма-босқич янгилаш ва аниқ уялаб экишни йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, элита уруғчилик лабораториялари самардорлигини ошириш учун уларни замонавий асбоб-усулналар билан таъминлаш зарур. Ҳосилдорликни тола ҳисобида юритишга ўтиш ва шу йўл билан тола чиқиси юқори бўлган навларни қўпайтириш ҳамда уларнинг майдонларини кенгайтириш керак.

Шунингдек, ғўза касалликлари ва зараркундаларига чидамли биоген навларини яратиш борасида олиб борилаётган илмий ишларни жадаллаштириш, асосий майдонларга экилаётган навлар сонини пластик навлар ҳисобидан келгусида 1,5-2 мартага қамайтириш, ўрта ва илгичка толаси навларини яратиш бўйича ишларни ривожлантириш ҳам соҳадаги муаммолардан ҳисобланади. Маҳаллий навларнинг жаҳон пахтачилигида тугган ўрнини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг халқаро даражада химояланишини таъминлаш ва ўзаро манфаатли фойдаланишини йўлга қўйиш, кишлоқ хўжалик экинлари навларини химоя қилиш халқаро иттифоқига аъзо бўлиш, уруғлик чигит сифатини халқаро стандартлар даражасида баҳолашнинг жорий этиш ҳам ечимини кутаётган масалалардан ҳисобланади.

Хуллас, ҳосил тақдири навага ҳам боғлиқ. Мутахассислар деҳқонлар билан биргаликда худуднинг табиий иқлим шартини, тупроқ таркибига тўғри келадиган нав танлаш ҳамда экинлар агротехника қоидалари асосида парвариш қилина, мўл ҳосил етиштирилиши шубҳасиз.

Ҳосил ҚАРИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ТЕРРОРЧИНИНГ ҚИЁФАСИ

Терроризм, у қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар, бугун бутун дунё мамлакатлари олдиди турган энг йирик ва жиддий муаммага айланди. Ҳар қандай муаммо сингари, терроризмга қарши курашда ҳам унинг моҳиятига чуқур кириб бориш ва албатта, унга илмий тарафдан ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

2002 йилда дунёнинг бир қатор психология, криминалистика соҳаси олимлари бу қабиҳ йўлга кирган, турли кўпуровчиликлар билан шуғулланган шахсларни илмий усуллар билан ўрганишга киришдилар. Яқинда эса жаҳон матбуотида мазкур тадқиқотларнинг дастлабки натижалари эълон қилинди.

Маълум бўлишича, кўпинча, террорчилар руҳан соғлом, ақли жойида ва билимли шахслар бўлишади. Тадқиқот муаллифларидан бири профессор Юрий Антоняннинг айтишича, "улар, кўпчилик ўйлаганидек, мияси айниган, садист, фанатик касалига мубтало бўлган одамлар эмас". Тадқиқотда олимлар томонидан террорчи шахси оdatдаги (кўпуровчиликдан бошқа) қотилликларни содир этган шахслар билан солиштирилди. Натижаларга кўра, террорчиларнинг ўртача ёши — 28 ёш. Қайд этиш кераки, ушбу кўрсаткичнинг аниқлигини терроризмга қарши курашда криминалистика нуктаи назаридан жуда муҳим аҳамиятга эга.

Шу пайтгача руҳшунослар инсоннинг террорчига айланишидаги руҳий илди-ларини унинг болалик давридан ишлаш эди. Бироқ тадқиқотлар кўрсатдики, одатий қотиллардан фарқи ўлароқ, уларнинг болалиги нисбатан маромда кечган. Тархима ҳоли текширилган террорчиларнинг аксарияти ёшлигда тўлиқ ота-онаси тарбиясида бўлган. Болаликдаги ўйинларда ҳам ўзини яхши тутган. Биринчидан, бошқа болалар билан яхши чиқши-ган, иккинчидан, ихтимойи номақбул кўринишдаги ўйинлар билан машғул бўлишмаган (масалан, ҳай-вонларни азоблаш каби ҳолатлар кузатилмаган). Бинобарин, уларнинг кейинги ҳаёти ҳам дуруст кечган: кўпчилиги етарли таълим олган, ҳарбий хизматга

борган. Натижаларга қараганда, террорчилар психиатрик ва психопатологик жиҳатдан анча соғлом бўлади. Яна бир муҳим жиҳат — уларда аутоагрессия (яъни ўз-ўзидан нафратланиш) ҳолати кузатилмаган. Террористик ҳаракат йўлида ўзини қурбон қилиш ҳолати сабабларини аниқлашда бу кучли далилдир. Маълум бўлиши-ча, одатий қотилларда ўз-ўзига зарар етказишга интилиш террорчиларга нисбатан икки баробар, ҳар хил ақлга сиғмайдиган фикрлар тўрт баробар кўпроқ учрайди.

Тадқиқотлар террорчиларнинг жиноят содир эти-

лиқда ихтимойи жиҳатдан номақбул кўринишдаги ўйинлар террорчиларда 12 фоиз — одатий қотилларда 21 фоиз; болаликда ўртоқлар билан чиқиш олмаслик террорчиларда 4 фоиз — одатий қотилларда 12 фоиз; руҳан соғломлик террорчиларда 42 фоиз — одатий қотилларда 10 фоиз; ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик (хусусан, кариндошларда) террорчиларда 4(8) фоиз — одатий қотилларда 10 (42) фоиз; ўз хатти-ҳаракатининг оқибатларини тушуниб етганлик террорчиларда 88 фоиз — одатий қотилларда 63 фоиз.

Шуни айтиб ўтиш кераки, айрим муҳим жиҳатлар-

Йўриқномалар юборилди

АҚШ президенти Жорж Буш



Федерал кидирув бюроси вазифаларининг бир қисmini Пентагон зиммасига юклаш масаласини жиддий ўрганиб чиқиш тўғрисида буйруқ берди. Маълумки, ФҚБнинг ҳарбийлашган бўли-малари ўта қалтис вазифаларни бажаради. Мазкур бўлиμμα назорати мамлакат мудо-фаъ вазирлигига ўтиши лозимлигини исботловчи маъруза тайёрлаш учун ФҚБ, Давлат департаменти, Адлия ва Мудофаа вазирли-ларига президент имзоси билан йўриқно-малар юборилди. Маъруза 90 кун мобайни-да тайёр бўлиши шарт.

Яқин Шарққа ташриф

Британия ташқи ишлар вазири Жек Стронинг Яқин Шарққа икки кунлик сафари бошланди. У ташриф мобайнида Исроил ва Фаластин мухторияти етакчилари билан учра-шиб, минтақадаги муаммони ҳал этиш

йўлларини муҳокама қилмоқчи.

Жек Стронинг мақсади 2005 йил 9 январда Фаластин мухторияти етакчилиги учун бўлиб ўтadиган сайловларда Исроил ҳукума-ти томонидан тинчлик таъминлишига эри-шишдир.

Гаровдагилар озод қилинди

Афғонистонда октябрь ойида мамлакат пре-зидентлиги учун бўлиб ўтган сай-ловларда ташки-лотчи сифатида иштирок этган БМТ ходимлари бундан уч ҳафта муқаддам гаровга қилинган. Ҳамид Карзай маъмури-яти вакили мазкур



халқаро ташкилотнинг уч нафар ходими озод этилганини маълум қилди. Жангарилар қамоқда сақланаётган 26 нафар махбусни озод этиш талаби билан чиқишганди.

Гаровдагиларни қутқариш чоғида афғонис-тонлик ва америкалик ҳарбийлар ҳамкорлик-да фаол ҳаракат қилишди.

16 та ҳужжат имзоланди

Хитой инвесторлари Жанубий Америка қитъасида жойлашган давлатлар тадбиркор-лари билан ҳамкорлик қилишга қизиқишмоқ-да. Хитой давлати раҳбари Ху Цзиньтао-нинг Кубага қилган расмий ташрифи чоғида ушбу мамлакатта 500 миллион долларлик ин-вестиция киритишга розилик берди.

Бундан ташқари, Хитой етакчиси Брази-лия, Аргентина ва Чили давлатларида бўлиб, икки томонлама самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида 16 та келишувга эришди.

Вазирнинг улк ташрифи

Покистон Бош вазири Шавкат Азиз Хиндис-тонга биринчи бор икки кунлик расмий таш-риф буюрди. У мазкур мамлакатта Жанубий Осиё давлатлари минтақавий ҳамкорлик ас-социацияси раҳбари сифатида иккисодий ва савдо муносабатларини ривожлантириш бо-расида музокаралар олиб борди. Шунинг-дек, Шавкат Азиз Деҳлида бўлиб, Хиндистон Бош вазири Манмохан Сингх билан учраш-ди.

Бош вазир сафар чоғида Жамму ва Каш-мир штати масаласини ҳам муҳокама қил-моқчи.

Гумондорлар

қўлга олинди

Францияда марокашлик бир неча шахс олин-ди. Маҳаллий полиция берган маълумотда айтилиши-ча, ушбу шахслар Мадрид ва Касабланкада содир этил-ган портлашларга алоқадорликда айбланмоқда.

2003 йил май ойида Касабланкада рўй берган тер-рорчиликларда 45 нафар бегуноҳ одам қурбон бўлган-ди.

Харик матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



шидаги асосий сабаб ва омил борасидаги аънавий қарашлар ҳам нотўғри экан-лигини кўрсатди. Гарчи жиноят учун туртки бўладиган омиллар турлича бўлса-да, энг кўп учраётгани (текши-рилганларнинг учдан икки қисми) таъма ва моддий манфаатдорлиқдир. Иккин-чи ўринда бироз тушунар-сизроқ омил — "аниқ мақ-садларга эришиш" (24 фоиз). Қолган омиллар қаторида одатий сабаблар — сиёсий ёки бошқа душман-ларини йўқ қилиш (8 фоиз), диний ёки миллий адоват (8 фоиз), руҳий жиҳатдан ўзи-га ўта қаттиқ бино қўйиш (6 фоиз), сиёсий манфаат (6 фоиз), "қўрқув солиш" (4 фоиз) қабилар келтирилган.

Таъкидлаш кераки, улар ўзини жуда хотиржам тутган, кўпинча ҳатто виждон азоби, айбдорлик ҳисси ҳам уларни безовта қилмайди. Террорчиларнинг 8 фоизи қилган ишидан пушаймон бўлган (одатий қотилларда 13 фоиз).

Таҳлилнинг бошқа жиҳат-лари қаторида асосан қуйи-даги нисбатларни келтириб ўтиш мумкин: жиноятнинг асосий омили моддий ман-фаат(ёки таъма) террорчи-ларда 68 фоиз — одатий қотилларда 9 фоиз; бола-

да террорчилар ҳам бир-биридан тубдан фарқ қилади. Улар ўртасидаги аниқ муш-тараклини белгилаш жуда мушкул. Шу жиҳатдан олиб қараганда, оқоридаги нати-жалар ҳам социологик ху-сусиятга эга. Аммо бу инсо-ният учун ҳавф солиб тур-ган мазкур иллатга қарши курашишда психологик вос-италар йўқ, деган маъно-ни англатмайди. Кузатиш-лардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар қандай тер-рорчилик билан шуғулла-нувчи гуруҳда битта раҳбар, ўрта поғона ва ўз олдиди мутлақо кўрмайдиган ижро-чилар бўлади. Ва айнан шу ўрта поғонанинг жиноят мо-тивлари у қадар мустақам шаклланмаган. Психологлар ушбу ўрта даражадаги шахс-ларни психологик воситалар ёрдамида бу телбалик йўл-дан ортага қайтариш мумкин деган хулосага келдилар.

Тадқиқот тергов жараёни-да қатнашаётган террорчи-ларни бевосита текшириш, шунингдек, ҳозирча қўлга олинмаган террорчилар ҳақидаги телевидение, мат-буот материаллари, видео-сюжетлар орқали амалга оширилди.

Ботиржон ҒОҒУРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Украинада яқинда кўни бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилингандан сўнг мамлакатда кенг қўлланми норози-лик намойишлари бошланиб кет-ди. Ҳатто, бир неча маҳаллий ша-ҳар ҳокимиятлари расман сайлов натижаларини тан олмаслигини билдиришди. Львов, Ивано-Фран-ковск, Тернополь, Винница шаҳар кенгашлари муҳолифатчилар ном-зоди Виктор Ющенкога ўзларининг президенти, дея эълон қилишди.

Киев шаҳар кенгаши ҳам нати-жаларни рад этган ҳолда мамлакат парламенти сайлов натижалари-ни инкор этишга қачирди. Шаҳар кенгаши қарорини Киев мэри ҳам маъқулламоқда.

Олдин хабар берганимиздек, Киевда кўп миң кишилик намой-ишлар бўлиб ўтмоқда. Кузатувчи-ларнинг гувоҳлик беришича, на-мойишда 200 миңдан ортиқ эҳоли иштирок этапти. Россия оммавий ахборот воситалари таркатган ха-барларда айтилишича, мамлакат-нинг бошқа вилоятларида Ющен-ко тарафдорлари ўз норозиликларини билдириш мақсадида пойтах-га оқиб келмоқда.

Ющенко бу ҳол унинг галабаси тан олинмагунча давом этишини маълум қилди. У рақиб Виктор Януковични лавозимдан ўз ман-фаати йўлида фойдаланган, деб даъво қилмоқда.

Уз навбатиде, Янукович ҳам тинч

ўтиргани йўқ. У рақибини мамла-катда тартибсизликлар келтириб чиқаришда ва Украина яхлитлигига даҳл қилишда айбланмоқда.

Юзага келган вазиятни муҳока-ма қилиш учун мамлакат парламен-тининг давқулда йиғилиши ча-қирилди. Йиғилишда 191 депутат қатнашди. Бирор қарор қабул

қилиш учун 226 депутат овоз бе-ришда қатнашишни лозим. Маълумот ўрнида шу нарсани айтиш лозимки, депутатлар фракцияси Виктор Януковични қўллаб-қувват-ламоқда.

Парламент раис Владимир Лит-вин, мажлиси тугатаётган пайтда, муҳолифатчилар вакиллари Ющен-конинг қасамёд қабул қилиш ма-росимига тайёргарлик қўраётган эдилар. Литвиннинг фикрича, бу тарада қасамёд қабул қилиш ҳуқуқий ҳақ эга эмас.

Ғарб давлатлари етакчилари У-раина ҳукумати демократик, та-момийларни бузганлигидан норози эканлигини билдиришяпти. АҚШ мазкур норозиликдан ўз ва-қтида ҳукумат томонидан чора

қўрилмаса, Украинага санкция қўлла-катда тартибсизликлар келтириб чиқаришда ва Украина яхлитлигига даҳл қилишда айбланмоқда.

Юзага келган вазиятни муҳока-ма қилиш учун мамлакат парламен-тининг давқулда йиғилиши ча-қирилди. Йиғилишда 191 депутат қатнашди. Бирор қарор қабул

қилиш учун 226 депутат овоз бе-ришда қатнашишни лозим. Маълумот ўрнида шу нарсани айтиш лозимки, депутатлар фракцияси Виктор Януковични қўллаб-қувват-ламоқда.

Парламент раис Владимир Лит-вин, мажлиси тугатаётган пайтда, муҳолифатчилар вакиллари Ющен-конинг қасамёд қабул қилиш ма-росимига тайёргарлик қўраётган эдилар. Литвиннинг фикрича, бу тарада қасамёд қабул қилиш ҳуқуқий ҳақ эга эмас.

Ғарб давлатлари етакчилари У-раина ҳукумати демократик, та-момийларни бузганлигидан норози эканлигини билдиришяпти. АҚШ мазкур норозиликдан ўз ва-қтида ҳукумат томонидан чора

қўрилмаса, Украинага санкция қўлла-катда тартибсизликлар келтириб чиқаришда ва Украина яхлитлигига даҳл қилишда айбланмоқда.

Юзага келган вазиятни муҳока-ма қилиш учун мамлакат парламен-тининг давқулда йиғилиши ча-қирилди. Йиғилишда 191 депутат қатнашди. Бирор қарор қабул

қилиш учун 226 депутат овоз бе-ришда қатнашишни лозим. Маълумот ўрнида шу нарсани айтиш лозимки, депутатлар фракцияси Виктор Януковични қўллаб-қувват-ламоқда.

Парламент раис Владимир Лит-вин, мажлиси тугатаётган пайтда, муҳолифатчилар вакиллари Ющен-конинг қасамёд қабул қилиш ма-росимига тайёргарлик қўраётган эдилар. Литвиннинг фикрича, бу тарада қасамёд қабул қилиш ҳуқуқий ҳақ эга эмас.

Ғарб давлатлари етакчилари У-раина ҳукумати демократик, та-момийларни бузганлигидан норози эканлигини билдиришяпти. АҚШ мазкур норозиликдан ўз ва-қтида ҳукумат томонидан чора

ҚАРАШЛАР ТЎҚНАШУВИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САКЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Педиатрия мутахассислиги бўйича:
аспирантурага — 2 ўрин;
докторантурага — 1 ўрин.
Ҳужжатлар институт директори номига қуйидаги манзилга юборилади: 700174, Тошкент ш., 2-Чимбой к., Талант тор кўчаси, 3-ўй.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

"ТЕХСЕЛЬСНАВ" МЧЖ
Тошкентдаги оғборхонадан Россия Федерацияси заводларида ишлаб чиқарилган **АВТОМОБИЛЛАР ВА НИШЛОҚ ҲУЖАЛИК** техникаларининг гилдирақларини таълиф қилади.
Пул ўтказиш йўли билан галла ва нишловнинг 23210, 23220
транзитларини ҳам қабул қилади.
Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кў., 26
Тел./факс 77 1451, тел. 79 9468 103 7234, 333 6421

Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт дан 2000 кВт гача бўлган газ, электр, суюқ ва кўмир ёнилгиларида ишлайдиган сув иситиб берадиган қозонлар (котел) ишлаб чиқаради ва сотади.
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., 16А уй.
Телефонлар: 8 (871-71) 54-791, 54-062, 8 (871) 100-99-05.
e-mail: harakat_2004@mail.ru

ҲАМКОРБАНК
Азиз юртдошлар!
Ҳамкорбанк хорижий валютада янги омонат турини тақлиф этади.
«Тақдим этувчига»
деб номланган ушбу омонат, 3 ой муддатга қабул қилиниб, даромадини йиллик 15%гача — АҚШ долларларида, 18%гача — сўмда олишингиз мумкин.
Омонат сир сақлашни кафолатланади.
Шунилинг — бу имконият фақат 1 январгача.
Мурожаат учун телефонлар: (8-8712) 45-62-83, (8-8742) 24-70-91.
Ҳамкорбанк — сиз учун ишончли ҳамкор.

Ҳурматли пойтахтнинг аҳолиси!
«O`ZTIRYO`LYO`LOVCHI» ОАҶ
«Тошкент-Самарқанд-Тошкент» йўналишидаги 50 ва 49-йўловчи поездлар вагонларида ишлаш учун 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган **ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ВАГОН ХИЗМАТЧИСИ ВАЗИФАСИГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.**
Маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Й.Охунбоев к., 34-уй, 3-қават, «Сервис экспресс» бўлими, Телефон: 199-71-99.

Бўлиμμα тузилади
Европа Иттифоқига эъзо давлатлар мудофаа вазирлари дунёнинг исталган нуктасида қисқа муддатда фаол ҳаракат қила оладиган ҳарбий тузилма ташкил этиш борасида умумий бир келишувга эришдилар. Ушбу бўлиμμα уч йил давомида шакллантирилиб, бир неча қисмларга эга бўлади. Ҳар бир бўлиμμαда 1500 нафар ҳарбий хизматчи бўлади.
Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш кераки, мазкур режа НАТО миссияси доира-сида амалга оширилади. Буюк Британия мудофаа вазири Жефф Хунн янги бўлиммани ташкил қилиш иттифоқнинг ягона армиясини тузишга ҳаракат эмаслигини маълум қилди.

Халқаро спорт

«Сув паруси — 2004»

Бугун пойтахтимизда синхрон сузиш бўйича бешинчи аънавий «Сув паруси-2004» халқаро турнири бошланади. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика хотин-қизлар кўмитаси ва Синхрон сузиш федерацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу мусобақада мамлакатимиз вакилларидан ташқари, Хитой, Хиндистон, Россия, Белоруссия ва Козовистон республикаларидан келган 50 нафардан зиёд спортчилар иштирок этади.
— Мусобақада ун нафар қизимиз жиддий ҳозирлик қўрди, — дейди синхрон сузиш бўйича терма жамоамиз катта мураббийси Галина Краснова. — Насиб этса, гуруҳ бахсларида совринли ўринларни эгаллашни мақсад қилиб қўйганмиз. Бошқа турлар бўйича ҳам осонликча ютқазиб қўйиш ниятимиз йўқ.

Дунё рейтингда кучли учликда турадиган Хитой терма жамоасининг мусобақа-ларда қатнашаётгани турнир нуфузи ошиб бораётганлигидан далolat беради. Шунингдек, мусобақада россиялик уч қара олимпиада чемпиони Ольга Брусникина ҳам кўрғазмали чиқишлари билан қатнашади, мураббий ва спортчилар билан семинар-тренинглр ўтказилади.

Кучли ўнликда

Мексикада қаратэ бўйича 17-жаҳон чемпионати якунланди. Дунёнинг 75 давлатидан келган қаратэ спорти усталари иштирок этган мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида кучли ўнликдан жой олди. Беллашувда ватаннимиз шарафини Отабек Қосимов, Илхом Каримов, Сафия Каспулатова сингари Осиё ва халқаро турнирлар совриндорлари ҳимоя қилдилар.

З. ЖОНИБЕКОВ.

ОТНАЈ "АВТОТЕХХИЗМАТ"
ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР 2004 ЙИЛ ОКТЯБРДАН БОШЛАБ БИЗНИНГ АВТОСАЛОНДА АВТОМОБИЛЛАРНИНГ КОМИССИОН САВДОСИ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ!
Сиз ўзингизнинг эски автомобилларингизни бизнинг автосалонда сотиб, янгисига эга бўлишингиз мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги шоҳкўчаси, 118 ("Тошкент" автовокзали ёнида)
Тел. 79 46 67

